Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№46 (395)
2020 йил 16 июнь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkori@umail.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 2020/2021 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ёшларнинг олий таълим билан қамраб олинишини янада кенгайтириш, олий таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш, карантин шароитида олий таълим муассасаларига абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва кириш имтиҳонларини лозим даражада ўтказиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Белгилансинки:

а) 2020/2021 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга қабул қилишда:

абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш **жорий йилнинг 20 июнидан 20 июлига қадар (20 июль куни ҳам)** бўлган муддатда Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси томонидан белгиланган ҳудудларда – **Давлат хизматлари марказлари орқали**, барча ҳудудларда – **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Давлат тест марказининг** (кейинги ўринларда – Давлат тест маркази) **расмий веб-сайти** орқали амалга оширилади;

кириш тест синовлари абитуриент танлаган бакалавриат таълим йўналишига **мос иккита фандан ўтказилади;**

абитуриентларга тест синови топшириладиган **фанлар мажмуаси ҳамда фанлар кетма-кетлиги бир хил бўлган бештагача бакалавриат таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш** ҳуқуқи берилади;

б) 2020/2021 ўқув йили қабулидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тавсияномасига эга бўлган **хотин-қизлар учун бакалавриатнинг кундузги таълим шакли бўйича** умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча **тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари ажратилади;**

давлат олий таълим муассасаларининг магистратура мутахассисликларига ўқишга кириш, шунингдек, бакалавриат таълим йўналишларига ўқишни кўчириш ва қайта тиклаш учун ҳужжатларни топшириш жараёни Ўзбекистон Республикаси **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти орқали** амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

**2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари** (кейинги ўринларда – Давлат буюртмаси параметрлари) ишлаб чиқилганлиги;

мазмун жиҳатдан яқин бўлган **бакалавриат таълим йўналишлари бирлаштирилганлиги** ва профиль ихтисослашув соҳалар **кенгайтирилганлиги;**

**магистратура мутахассисликлари йириклаштирилганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

3. Давлат буюртмаси параметрлари:

а) **бакалаврлар** тайёрлаш бўйича:

**кундузги** таълим шаклига – **103 575 нафар** этиб 1-иловага;

**сиртқи** таълим шаклига – **31 350 нафар** этиб 2-иловага;

**кечки** таълим шаклига – **5 025 нафар** этиб 3-иловага;

б) **магистрлар** тайёрлаш бўйича – **10 425 нафар** этиб 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. **2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси** (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси) таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарурат бўлганда, янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини киритиш ҳамда ташкил этиладиган янги олий таълим муассасалари қабул параметрларини белгилаш учун Давлат буюртмаси параметрларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг, шу жумладан, республиканинг олис ва бориш қийин бўлган туманларининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш учун олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратурасига тегишли тармоқлар ва ҳудудлар бўйича мақсадли қабул параметрларини белгилаш;

(Давоми 2-бетда)




## Сўх улкан янгиланиш ва бунёдкорликлар бўсағасида





**Шоир бежиз бундай ёзмаган. Ўзбекистоннинг дил парчаси бўлган – Сўх ҳар қандай кишини ўзига мафтун этади. Олой тизмасининг Қатронтоғ, Обишир, Лазар каби тоғлар ёнбағрида жойлашган бу масканни зилол булоқлари, жўшқин сойлари, кўкка талпинган арчалари ва бетакрор табиати унутилмас, ёрқин таассуротлар қолдиради. Унинг катта бойлиги – содда ва самимий, меҳнаткаш одамларидир.**

Бугун қўшни давлат чегарасидан ўтиб, Сўх туманига қадам қўйган киши улкан бунёдкорлик ишлари ва янгиланишларнинг гувоҳи бўлади. Йўлсозлар йўлларни таъмирлаётган бўлса, қурувчилар янги уйларни қуришга киришган. Энг чекка ҳудудларда ҳам электр энергия, ичимлик суви таъминоти яхшиланаётир. Аҳолини иш билан таъминлаш, таълим, тиббиёт, қўйингки, барча соҳалардаги муаммоларни бартараф этиш, туманни ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## МУКАММАЛ ВА ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ АВЖИДА

**«Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» AJ тасарруфидаги барча туман электр таъминоти корхоналарида аҳолига сифатли электр энергияси етказиб бериш бўйича кенг кўламли мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.**



Айни вақтда, кунлик иш режаси бўйича белгиланган вазифаларни бажариб келаётган пойтахт туман электр таъминоти корхоналари ходимлари томонидан жойлардаги мавжуд электр энергиясини тақсимлаш пунктларини назорат текширувлари, аниқланган носозликларни бартараф этиш, қолаверса ободонлаштириш каби доимий ишлар ўтказиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 ноябрдаги «2017-2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2661 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманлар ҳудудларидаги МФЙларда ҳаво ҳамда ер остидан ўтган кабель тармоқларида монтаж ишлари олиб борилаётир.

Жумладан, Чилонзор туман электр таъминоти корхонасининг ишчи-ходимлари томонидан «1-катта Чилонзор» нимстанциясидан чиқувчи, «Лочин» фидеридан «Чилонзор» МФЙ ҳудудидаги кўп қаватли аҳоли хонадонларини электр энергияси билан таъминловчи паст кучланишли 0,4 кВли кабель тармоқлари, шунингдек, туманнинг «Юксак» нимстанциясидан таъминланувчи «Тошкент метрополитени» унитар корхонасининг Чилонзор йўналишида олиб борилаётган 10 кВли юқори кучланишли кабель тармоқларида бу борадаги ишлар якунига етказилди.

Бундан ташқари, Сергели туман электр таъминоти корхонаси ишчи-ходимлари томонидан ҳам «Пригородный» нимстанцияси «Победа» фидеридан таъминланувчи юқори кучланишли 10 кВли ер остидан ўтган кабель тармоқларида ҳам юқоридаги вазифалар бажарилиб, Йўлдош мавзеси «Чорбоғ» МФЙ 2831-сонли трансформатор пунктидан чиқувчи 0,4 кВли ҳаво тармоқларини шох-шаббадан тозалаш ҳамда 3-мавзе «Ал-Фарғоний» МФЙ ҳудудидаги 2810-сонли трансформатор пунктида мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Учтепа туман электр таъминоти корхонаси ишчи-ходимлари ҳам айни вақтда тумандаги Бешқайрағоч маҳалласидаги истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминловчи, Бекобод фидери, 2004-сонли трансформатор нимстанциясидан чиқувчи 0,4 кВли паст кучланишли кабель тармоқларида реконструкция ишларини бажармоқдалар. «Музыкальный-2» фидери, 2608-, 490-сонли трансформатор нимстанциялари оралиғидаги 10 кВли юқори кучланишли кабель тармоғига янги 6707-сонли трансформатор нимстанциясини улаш учун ер қазиш, монтаж ишлари давом эттирилмоқда.

Бу борадаги ишларни бажаришда «Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» AJ тизимидаги барча туман электр таъминоти корхоналари ишчи-ходимлари техника хавфсизлик қоидаларига тўлиқ амал қилмоқдалар.

Юқоридаги вазифалар Бектемир туманида ҳам тизимли олиб борилмоқда. Бу ерда ҳам мукаммал таъмирлаш ишлари карантин қоидаларига амал қилган ҳолда ташкил этилиб, айни пайтда Нурафшон маҳалласидаги 2671-сонли трансформатор пункти ҳамда 0,4 кВ паст кучланишли электр узатиш линиялари тўлиқ кўрикдан ўтказилди. Ҳаво тармоқларини дарахт шохларидан тозалаш, симларни тортиш, носоз ҳолатга келиб қолган қурилмаларни янгисига алмаштириш каби вазифалар удаланмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бу каби юртимиз равнақи йўлида олиб борилаётган ишлар жамиятнинг барча туман электр таъминоти корхоналари томонидан белгиланган чора-тадбирлар асосида амалга ошириб келинмоқда.

**Суратда:** объектлардаги ишлардан лавҳа.

**Дилфуза ҲАБИБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# 2020/2021 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида олий таълим муассасаларининг нуфузи ва ҳудудий жойлашувини ҳисобга олган ҳолда базавий тўлов-контракт қийматидан келиб чиқиб табақалаштирилган тўлов-контракт минимал миқдорининг ягона кўрсаткичларини таълим соҳалари ва республика ҳудудлари бўйича белгилаш (ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётган олий таълим муассасалари бундан мустасно);

профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини тасдиқлаш.

5. **Фарғона вилоятининг Сўх туманини** ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, истиқболда мазкур ҳудуднинг иқтисодиёт тармоқларини замонавий фикрлайдиган малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида ушбу туман учун **бакалавриатнинг кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча давлат гранти асосидаги 500 та ўрин миқдоридаги мақсадли қабул параметрлари ажратилсин.**

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда мазкур қабул параметрларини эҳтиёжга мувофиқ олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш бўйича асосланган таклифларни бир ҳафта муддатда Давлат комиссиясига киритсин.

6. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларига ўзини ўзи тўлиқ молиявий таъминлаш миқдоридан келиб чиқиб, **тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш ҳуқуқи** берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасалари ректорлари бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган **тўлов-контракт миқдори ҳақидаги маълумотларни бир ҳафта муддатда оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида эълон қилсин.**

7. Белгилаб қўйилсинки, **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб** кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжлари тўлиқ автоматлаштирилган тарзда **«quota.mineconomy.uz» ахборот тизими** (кейинги ўринларда – Ахборот тизими) орқали шакллантирилади.

8. Буюртмачиларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш жараёнини рақамлаштириш мақсадида **2020 йил 1 октябрга** қадар:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли кадрларга бўлган жорий эҳтиёжини кузатиб бориш имкониятини яратиш учун «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини Ахборот тизими билан интеграциясини;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги республиканинг барча мактабларида битирувчи синфлардаги ўқувчилар сони ҳамда педагогик таркиби тўғрисида доимий янгиланиб борувчи маълумотлар базасини Ахборот тизими билан интеграциясини;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда кадрлар буюртмачилари эҳтиёжлари тўғрисидаги маълумотларни «Электрон рақамли имзо» тизимини қўллаган ҳолда Ахборот тизимига киритилишини ҳамда Ахборот тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб борилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Халқ таълими вазирлиги бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2020 йил 1 сентябрга** қадар **умумтаълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси ҳамда олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини унификация қилиш ва ягона имтиҳонни йўлга қўйиш** бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

10. Давлат комиссияси **2020 йил 20 июнга** қадар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмаларига биноан соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ветеринария соҳаларида олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун Давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида **мақсадли қабул параметрларининг туман (шаҳар)лар кесимидаги тақсимотини;**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда Давлат тест марказининг таклифлари асосида олий таълим муассасаларига **Давлат буюртмаси параметрларининг таълим тилларига қараб тақсимотини тасдиқласин.**

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) **бир ой** муддатда:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилида янги киритилаётган бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда янги киритилаётган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малакавий талаблари, ўқув режалари ҳамда фан дастурларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

б) **2020 йил 31 декабрга** қадар бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари хусусиятидан келиб чиққан ҳолда битирувчиларга асосий ҳамда қўшимча квалификация бериш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2020 йил 1 декабрга қадар** қуйидагилар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин:

олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларида **фақат давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларини белгилаш;**

тўлов-контракт асосидаги қабул кўрсаткичларини **олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгилаш.** Бунда, тўлов-контракт асосидаги қабул кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган миқдордан кам бўлмаслиги лозим;

**иқтидорли талабаларни нодавлат олий таълим ташкилотларида** ҳам давлат гранти асосида ўқитиш;

алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим соҳаларининг бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш учун касбий (ижодий) имтиҳонлар билан биргаликда **мажбурий учта – она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихи фанлари бўйича тест синовлари топшириш** тартибини жорий қилиш.

12. Спорт соҳасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш жараёнини оптималлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг **«Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)» бакалавриат таълим йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил бўлган таълим дастурлари доирасида кадрлар тайёрлашни амалга ошириш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

13. Белгилаб қўйилсинки:

**2020/2021 ўқув йилидан** бошлаб **«130 000–Математика»** таълим соҳаси бўйича магистратура мутахассисликлари учун **Давлат буюртмаси параметрлари тўлиқ давлат гранти асосида шакллантирилади;**

**2020/2021 ўқув йилида** давлат гранти асосида бакалавриат ва магистратурага ўқишга қабул қилинган шахсларни ўқитиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 12 июнь

# Сўх улкан янгиланиш ва бунёдкорликлар бўсағасида

*(Давоми. Боши 1-бетда)*



– Туманимиздаги муаммолар кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас, балки йиллар давомида йиғилиб қолган эди, – дейди Сўх тумани ҳокими Сайидбаҳром Сайидмусаев. – Чашма булоғида юз берган воқеалар туфайли барчаси «ёрилди». Бугунги кунда ҳукумат комиссияси томонидан алоҳида дастур ишлаб чиқилди. 2020-2022 йилларда туманни комплекс ривожлантиришга 500 миллиард сўм маблағ сарф этилиб, мавжуд муаммолар ечим топади. Шунингдек, сектор раҳбарлари, турли вазирликларнинг вакиллари ҳар бир маҳаллага бориб, пиёда юриб, аҳоли билан учрашмоқда. Уларнинг таклиф ва муаммоларини ўрганиб, ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Уйма-уй ўрганишлар натижасида аниқланган муаммолар таҳлил қилиниб, уларнинг ечими назоратга олиняпти. Хусусан, Нигора Тожибоевага ҳомийлар томонидан дори-дармонлар олиб берилиб, яшаш хонадонининг орқа қисмига 5 та юк машинасида шағал ётқизилди. Зулфия Ғофурова уйининг сув қувурлари таъмирлаб берилди. И. Маҳмудова ва М. Юсуповаларга тикув машиналари беминнат ёрдам сифатида топширилди.

Чашма қишлоғида юзага келган можарода уч оила – Исроилжон, Анваржон ва Ўлмасой Бекназаровларнинг уй-жойлари ёниб кетди. Бошпанасиз қолган оилаларнинг 11 нафар аъзолари вақтинчалик жой билан таъминланиб, барча шароит яратиб берилди. Мазкур оилаларнинг уй -жойлари давлат томонидан қуриб бериладиган бўлди.

Тумандаги катта муаммолардан бири ишсизликдир. Бу ернинг 31 фоиз аҳолиси асосан хорижий давлатларда мигрант бўлиб ишлайди. Коронавирус пандемияси туфайли 14 мингга яқин киши ишсиз қолган. Бугун биринчи навбатда уларни иш билан таъминлаш, даромад топишига кўмаклашиш бўйича иш олиб бориляпти. 500 нафардан ортиқ сўхликлар «Tashkent city» қурилиш объектларида иш билан таъминланмоқда. Туманда бошланган бунёдкорлик ишларида эса электр соҳасида 200, қурилишда 300 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Шунингдек, қишлоқларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш, электр энергияси таъминотини яхшилаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, йўлларни таъмирлаш ва бошқа йўналишларда тизимли ишлар олиб борилмоқда.



Ҳудудда ерларни ўзлаштириш муҳим вазифалардан биридир. Шу боис бугунги кунда бўш турган, қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунинг учун 4 миллиард сўм маблағ эвазига тик қудуқлар қазиш режалаштирилган. Малбуддаги бўш турган ерларни суғориш мақсадида тик қудуқ қазиш ишлари бошлаб юборилди. Мазкур иншоот ишга тушгач, 60 гектар янги ер ўзлаштирилади.

Илгарилари туманнинг аксарият ҳудудида юртимизнинг мобиль операторлари алоқа база станциялари кам бўлганлиги учун сўхликлар Қирғизистоннинг сим карталаридан фойдаланишарди. Бугун бу муаммо тўлиқ бартараф қилиниб, чекка қишлоқда алоқа сифати яхшиланиб, қамров янада кенгайди.

Телекоммуникация инфратузилмасини кенгайтириш ва хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида 62 километр оптик толали алоқа кабеллари, умумий сиғими 536 портли замонавий қурилмалар, 5 та мобиль алоқа база станциялари каби зарур транспорт ва махсус материаллар туманга етказилди.

Айни дамда Ғазнов – Тул йўналишида 16 километр оптик толали алоқа кабеллари қуриш ва монтаж ишлари бошланди. 5 та мобиль алоқа база станциялари ўрнатилди. Жумладан, «Ленбург» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги мавжуд антенна мачта қурилмасига юқори тезликдаги интернет технологияси асосидаги база станцияси ўрнатилиб, ишга туширилди. Шу билан бирга, «Ўзбектелеком»нинг «Қалача», «Малбуд», «Тул» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларидаги мавжуд база станцияларигача ташкил этилган транспорт тармоғининг ўтказувчанлик қобилияти 2 баробарга кенгайтирилди.

Туманда бугунги кунда 28 та умумий ўрта таълим ва 3 та ихтисослашган мактаб-интернат бор. Айни кунларда Сарибозорча қишлоғида қарийб 6 миллиард сўм маблағ эвазига янги мактаб бунёд этилмоқда. Афсуски, йилдан-йилга туманда олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёж ортиб боряпти. Сўх туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, истиқболда мазкур ҳудуднинг иқтисодиёт тармоқларини замонавий фикрлайдиган малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида давлат гранти асосида қўшимча 500 та ўрин ажратилганлиги ҳам катта воқеа бўлди.

– Ёшлигимдан шеъриятга қизиқаман, – дейди 1-умумтаълим мактабининг битирувчиси Гулабзо Раҳмонова ЎзА мухбири Маъсуджон Сулаймоновга. – Битта шеърлар тўпламим нашр этилди. Аммо олий ўқув юртига кириш биз, сўхлик ёшлар учун, айниқса, қизлар учун қийин бўларди. Шунинг учун ҳам туманимизда олий маълумотга эга бўлган ёшлар саноқли. Президентимизнинг бу борада бизларга берган имконияти орзуларимизни рўёбга чиқаради. Биз, албатта, бу ишончни оқлаймиз.

Қайси бир сўхлик билан гаплашманг, улар бошланган эзгу саъй-ҳаракатлардан мамнун эканликларини билдирмоқда. Албатта, гап рақамларда эмас. Ислоҳотларни ҳар бир юртдошимиз сезиб, уни ўзининг ҳаётида ҳис этса, ана шу энг муҳим самара. Сўхдаги бунёдкорликлар ҳам ана шу эзгу мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.



# «Бўстон»да сув таъминоти яхшиланади

**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги «Бўстон» маҳалласи чекка ҳудудлардан саналади. Бу ерда тоза ичимлик суви энг оғриқли муаммолардан бири эди. Қувонарлиси, ҳадемай бўстонликларни қийнаб келган бу масала ўз ечимини топиш арафасида.**



Умумий қиймати 968 миллион сўмлик лойиҳа асосида «Бўстон» маҳалласида ичимлик сув иншооти ўрнатилмоқда. 1 августга қадар қуриб битказилиши кутилаётган янги иншоот туфайли 200 хонадоннинг обиҳаётга бўлган эҳтиёжи қондирилади.

**Суратларда:** «Бўстон» маҳалласида ичимлик сув иншооти ўрнатилмоқда.

**Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Қарор матни газетанинг ўтган сонида берилган.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 4 июндаги
355-сон қарорига
ИЛОВА

# Қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойлар қурадиган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш бўйича танловлар ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

## 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойлар қурадиган тадбиркорлик субъектлари учун танловлар ўтказиш механизмини, мезонларини (жумладан «қиймат-миқдор» мезонларини) ҳамда қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойлар қурадиган тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича танловларни ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан янги тартиб асосида қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойлар қурадиган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш бўйича танловлар ўтказиш учун қуйидагилар талаб этилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан туман маъмурий марказларига туташ ҳудудларда кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони (кейинги ўринларда – Фармон) талаблари асосида ер участкаларини ажратиш ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзгидромет» марказининг ҳудудий бўлинмалари билан келишиш;

архитектура-режалаштириш топшириғини (кейинги ўринларда – АРТ) ишлаб чиқиш харажатларини туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан АРТ ишлаб чиқилган кунда тўлиқ тўлаб бериш;

тортиб келинадиган ва майдон ички сув таъминоти ва канализация тармоқлари ҳамда автомобиль йўлларини қуриш объектларини молиялаштириш манбаларини аниқлаш;

«Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ва «Ҳудудгазтаъминот» АЖ томонидан тортиб келинадиган ва майдон ички электр ва газ таъминоти тармоқларини қуриш объектларини молиялаштириш манбаларини аниқлаш.

3. Ушбу низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**макромассив** – вилоятлар шаҳарларига ва туман маъмурий марказларига туташ ҳудудларда камида 200 та квартирани ўз ичига олган кўп квартирали уй-жойлар қурилиши режалаштирилган ер участкаси;

**танлов ташкилотчиси** – Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказлари;

**танлов предмети** – қишлоқ жойларда ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан «фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш» шартларида кўп квартирали уй-жойлар қурадиган тадбиркорлик субъектлари учун ҳудудий ҳокимликлар томонидан белгиланадиган талаблар (хизматлар) рўйхати;

**лот** – танловнинг бўлинмайдиган предмети;

**намунавий танлов ҳужжатлари** – белгиланган тартибда тасдиқланадиган талаблар ва ҳужжатлар (танловга таклифнома, унинг қатнашчиларига қўйиладиган малака талаблари, танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ва уларни баҳолаш шакллари, инвестиция мажбуриятларининг шартнома шакллари);

**танлов ҳужжатлари** – намунавий танлов ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган, танлов предметининг техник, молиявий, тижорат, ташкилий ва бошқа тавсифлари, танловни ташкил этиш шартлари ва ўтказиш тартиб-қоидаси ҳақидаги бошланғич маълумотлардан иборат бўлган ҳужжатлар туркуми;

**танлов комиссияси** – танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тадбиркорлик субъектини аниқлаш учун мазкур Низомга мувофиқ ташкил этиладиган коллегиал орган;

**талабгор** – таклиф этилган шартлар асосида танловда қатнашиш тўғрисида ўз истагини билдирган ҳамда унинг офертаси танлов ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилгунича танлов ҳужжатларини олган юридик шахс;

**пудрат ташкилоти** – талабгор томонидан танланадиган қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи юридик шахс ёки талабгорнинг ўзи;

**оферент** – танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ тайёрланган ва танлов ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилган ўз офертасини тақдим этган талабгор;

**оферта** – талабгорнинг танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ тақдим этилган танлов предметига нисбатан таклифи;

**баҳолаш мезонлари** – офертаaларни баҳолаш, талабгорларни танлаб олиш ва танлов ғолибини танлаб олиш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар;

**офертанинг таъминланиши тўғрисидаги декларация** – оферентнинг офертадаги барча талаблар ва шартларга риоя этиш юзасидан сўзсиз ва моддий мажбурияти;

**квартира бир квадрат метрининг тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати** – Фармонга асосан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги билан биргаликда тасдиқланадиган квартира бир квадрат метрининг тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати;

**инвестиция мажбуриятлари шартномаси** – ер участкасини кўп квартирали уй-жойларни қуриш учун уй-жойлар қуриш муддати, квартира бир квадрат метрини тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қийматидан ошмаган ҳолда сотиш, техник назоратни амалга ошириш учун мутахассис жалб қилиш ва бошқа инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан тузилган икки томонлама шартнома.

## 2-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ

### 1-§. Танлов қатнашчилари

4. Ҳудудий танлов комиссияси, танлов ташкилотчиси ва оферентлар – танлов қатнашчилари ҳисобланади.

5. Қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойлар қурадиган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш бўйича танлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларининг қарорлари билан ташкил этилади.

Танлов комиссиясига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари ва вилоятлар ҳокимларининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари (кейинги ўринларда – вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари) раҳбарлик қилади.

6. Танлов ўтказиш учун мазкур Низомга 1-иловадаги таркибда комиссия тузилади.

7. Танлов комиссия аъзоси малакали, танлов соҳасида амалиёт ва кўникмага эга бўлиши лозим.

8. Танлов комиссияси аъзолари 9 кишидан иборат бўлиши ва агар, комиссия аъзоларининг камида тўртдан уч қисми мажлисда қатнашса, ўз функцияларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ваколатли ҳисобланади.

### 2-§. Танлов комиссиясининг асосий функциялари

9. Қуйидагилар танлов комиссиясининг асосий функциялари ҳисобланади:

талабгорлар томонидан тақдим этилган лойиҳаларнинг танланган ернинг бош режасига мослигини инобатга олиши;

қишлоқ жойларда «фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш» шартларида кўп квартирали уй-жойлар қурилиши бўйича тадбиркорлик субъектларини аниқлаш юзасидан ўтказиладиган танловни ўз вақтида сифатли ўтказиш ишларини тизимли ташкил этиш;

танлов комиссиясининг регламенти, танлов ҳужжатларини ва талабгорларга қўйиладиган танлов таклифларини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш;

танлов ҳужжатларида қайд этилган танловда қатнашишга буюртманомани таъминлаш шаклини тасдиқлаш;

офертани қабул қилишнинг охирги куни ва вақтини, конвертларни очиш вақтини ва жойини белгилаш;

оферентларнинг малака, техник ва тижорат таклифларини ўрганиш;

оферта солинган конвертларни очиш, конвертларни очиш тўғрисидаги баённи тасдиқлаш;

танлов таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддатларини тасдиқлаш;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ офертани ўрганиш, таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш;

танлов натижаси бўйича қарор қабул қилиш;

танловни ўтказиш давомида юзага келадиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш, тартибга солиш;

лойиҳани амалга ошириш жараёнида юзага келадиган танлов бўйича масалаларни кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш.

### 3-§. Оферентларнинг малака, техник ва тижорат таклифларини ўрганиш

10. Танлов комиссияси оферентларнинг малака, техник ва тижорат таклифларини ўрганади.

11. Оферентларнинг малака, техник ва тижорат таклифларини ўрганиш бўйича баҳолаш гуруҳларининг таркиби комиссия аъзоларидан шакллантирилади.

12. Зарурат бўлганда, танлов комиссиялари оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш учун эксперт ва маслаҳат ташкилотларининг вакилларини жалб этиши мумкин.

### 4-§. Танловни ўтказишга тайёргарлик ишлари

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан аниқ макромассив (лот, қурилиш участкаси) бўйича танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон жойлаштирилгунга қадар режалаштирилган макромассивларни тайёр ҳолга келтириш бўйича қуйидагилар амалга оширилган бўлиши шарт:

макромассив кўринишида кўп квартирали уй-жой қурилиши учун ер участкаларининг танланиши;

бирламчи рухсат берувчи ҳужжатларни (танланган ер майдонининг топографик сурати ва геология хулосаси, АРТ ҳужжатлари) тайёрланиши;

қонунчиликда белгиланган тартибда тортиб келинадиган ва майдон ички сув таъминоти, канализация (локал оқава сув тозалаш иншоотлари), электр ва газ тармоқларини ҳамда автомобиль йўлларини қуриш ишларини молиялаштириш манбаси, техник топшириқлар ва бажарувчи тегишли ташкилотлар аниқланиши.

14. Танловни ўтказишга тайёргарлик давомида танлов комиссиясининг мурожаатномасига биноан танлов ташкилотчиси танлов ўтказилишидан 30 кун олдин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида танлов ўтказиш тўғрисида эълон беради.

15. Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Қурилиш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказларининг номи, жойлашган жойи ҳамда электрон манзили;

танлов предметининг тавсифи ва у амалга ошириладиган жой;

танлов предметининг ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши;

танлов предметини амалга ошириш муддати;

талабгорларга қўйиладиган асосий шартлар (намунавий танлов ҳужжатларида кўрсатиб ўтилади);

талабгорлар томонидан танлов ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш учун мурожаат этиладиган манзил;

оферта тақдим этиладиган жой, тақдим этишнинг охирги куни ва вақти;

офертани очиш жойи, куни, вақти.

### 5-§. Танлов ҳужжатларининг таркиби, тузилиши, уларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби

16. Танлов ҳужжатлари учта асосий қисмдан: рухсат берувчи (малака), техник ва тижорат қисмларидан иборат бўлади.

17. Танлов ҳужжатларининг рухсат берувчи (малака) қисми қуйидагилардан иборат бўлади:

танлов комиссияси таркибини тасдиқловчи ҳужжат;

танлов комиссиясининг иш низомини тасдиқлаш бўйича мажлис баёни;

бирламчи рухсат берувчи ҳужжатлар тайёрлиги бўйича комиссия қарори;

комиссиянинг танлов ўтказиш тўғрисидаги қарори;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган танлов ўтказиш тўғрисидаги эълоннинг матни.

18. Танлов ҳужжатларининг техник қисми қуйидагилардан иборат бўлади:

талабгорларнинг танловда қатнашиш учун буюртманомаси шакли;

талабгорнинг малакаси ҳамда техник ва молиявий ҳолатига баҳо беришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар, таклифларни молиявий баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш мезонлари, танлов тартиб-қоидасига тегишли бўлган бошқа ҳужжатлардан иборат йўриқнома;

бирламчи рухсат берувчи ҳужжатлар тўплами;

офертани тайёрлаш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва шакллар рўйхати.

19. Танлов ҳужжатларининг тижорат қисми қуйидагиларни ўз ичига олади:

илова қилинадиган нарх таклифи бўйича хатнинг шакли;

танлов таклифини таъминлаш тўғрисида кафолат шакли (декларациялар, банк кафолатлари, бўнаклар тарзида ёки қонунчиликда белгиланган бошқа шаклда);

оферент танловнинг ғолиби деб эътироф этилган тақдирда, инвестиция мажбуриятлари шартномасини бажариш кафолати;

кўп квартирали уй-жойларни жойлаштиришнинг бош режаси, техник тавсифи, лойиҳа эскизи;

тижорат таклифи (квартиранинг бир квадрат метрининг реализация нархи);

инвестиция мажбуриятлари шартномасининг лойиҳаси.

20. Офертани тақдим этиш тартиби танлов ҳужжатларида белгиланади. Тақдим этиладиган оферта танлов ҳужжатлари ва шартлари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

21. Танлов ҳужжатларига, офертани ўраб-жойлашга ва маркировка қилишга, таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларига қўйиладиган шартлар ва талаблар ҳудудий танлов комиссиялари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Офертани тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар танлов ташкилотчиси ҳудудий танлов комиссиясининг талабига кўра, танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, бу тўғрисида танлов ҳужжатлари эълон қилинган электрон манзилда дарҳол хабар етказиш, офертага тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақтда офертанинг тақдим этиш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга.

22. Талабгорлардан таклифлар танлов ташкилотчилари томонидан қабул қилиб олинади ва танлов ўтказиладиган кунга қадар хавфсиз ва тўлиқ сақланишига масъул бўлади.

Қуйидагилар танлов ташкилотчисининг асосий вазифалари ҳисобланади:

танлов ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилаш;

танлов предметига қўйиладиган махсус, техник ва тижорат талабларини ҳисобга олган ҳолда танлов ўтказиш учун танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

белгиланган шакл бўйича танлов ўтказилиши тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон бериш;

агар танлов ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, аризалар ва офертаaларни қабул қилиш, уларнинг ҳисобга олиниши ва махфийлигини таъминлаш;

шартнома асосида мустақил экспертлар ёки маслаҳатчиларнинг ишларини ташкил этиш;

талабгорларга танлов ҳужжатларини тақдим этиш.

### 6-§. Талабгорга қўйиладиган талаблар

23. Талабгорга қуйидаги талаблар қўйилади:

кўп квартирали уй-жойларни қуриш учун талаб этилаётган маблағларнинг (ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар) мавжудлиги;

танлов савдоларига қўйилган объектларга ўхшаш объектларда иш тажрибасининг мавжудлиги;

олдин ўз кучи билан бажарилган ишлар ҳажми тўғрисидаги маълумотлар;

қурилишни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база ва меҳнат ресурсларининг мавжудлиги.

Юқорида келтириб ўтилган талаблар талабгорга ёки талабгор томонидан жалб этиладиган пудрат ташкилотига татбиқ этилади.

Техник таклифларнинг барча талаблари «мувофиқ/мувофиқ эмас» тамойилига асосан баҳоланади.

24. Танловда қатнашиш учун талабгорларга қўйиладиган талаблар бўйича мезонлар ҳудудий танлов комиссиясининг регламентида ва намунавий танлов ҳужжатларида келтирилади.

25. Қайта ташкил этиш (ажратиб чиқариш, бўлиб юбориш), тугатиш босқичидаги ёки мол-мулки хатланган банкротлик босқичидаги талабгорлар танловда иштирок этишга қўйилмайди.

### 7-§. Офертани тақдим этиш

26. Талабгорнинг имзоси билан тасдиқланган оферта танлов ташкилотчисига елимланган ва муҳрланган конвертда юборилади.

27. Офертаaларни тақдим этиш муддати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон берилган кундан бошлаб 30 кунни ташкил этади.

28. Офертани тақдим этиш муддати тамом бўлгандан кейин тақдим этилган талабгорларнинг офертаaлари қабул қилинмайди.

Офертани тақдим этиш санаси танлов ташкилотчисининг, оферта почта билдиришномаси олинганлиги тўғрисидаги қайди бўйича ёки танлов ташкилотчисининг оферентга берилган оферта олинганлиги тўғрисидаги билдиришномаси санаси бўйича (оферта чопар орқали етказилган тақдирда) аниқланади.

### 8-§. Таклифларни баҳолаш ва танлов якунлари бўйича ғолибни эълон қилиш

29. Офертаaларни бериш муддати тамом бўлгандан кейин ҳудудий танлов комиссияси тушган ва рўйхатдан ўтказилган офертаaларни оферентларнинг вакиллари иштирокида очади, бутлигини текширади, оферентларнинг номларини эълон қилади, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳужжатларнинг тақдим этилган туркумлари мазмунини текширади.

Ҳудудий танлов комиссияси мажлисининг натижалари тўғрисидаги ахборот қатнашмаган оферентга ёзма шаклда етказилади.

Танлов ташкилотчиси ҳудудий танлов комиссиясининг талабига кўра, ҳудудий танлов комиссиясининг мажлиси бошқа муддатга кўчирилган тақдирда, офертани тақдим этиш муддати узайтирилганлиги тўғрисидаги билдиришномани Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида маълум қилади.

30. Офертанинг мазмунини ҳудудий танлов комиссияси мажлисида кўриб чиқиш давомида оферентларга тушунтириш беришга йўл қўйилади.

Бунда офертанинг мазмунини ўзгартирадиган, шу жумладан нархини ёки ижро этиш муддатини ўзгартирадиган тушунтириш беришга йўл қўйилмайди.

31. Танлов ғолиби ҳудудий танлов комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади.

Ҳудудий танлов комиссияси ғолибларни «қиймат-миқдор» (энг рақобатли нарх) мезонлари, ишларни (хизматларни) бажариш шартлари ва танлов ҳужжатларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича аниқлайди.

32. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари расмий веб-сайтида ҳудудий танлов комиссияси томонидан танлов ғолиби бўлган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги ахборотлар танлов ташкилотчиси томонидан 3 иш куни ичида эълон қилинади.

33. Ҳудудий танлов комиссиясининг ҳар бир мажлисида баённома юритилади.

Қоидага кўра, булар танлов ўтказиш тартиб-қоидаси билан боғлиқ конвертларни очиш, танлов ғолибини аниқлаш баёнлари ва бошқа баёнлар.

34. Танлов ташкилотчиси танлов ғолибига инвестиция мажбуриятлари шартномасини бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин беш кундан кеч бўлмаган муддатда ёзма билдиришнома юборади.

Танлов ташкил этиш ва ўтказиш схемаси ушбу Низомга 2-иловада келтирилган.

35. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва ғолиб ўртасида инвестиция мажбуриятлари тўғрисидаги шартнома тузилгандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида танлов натижалари (предмет, ғолиб, шартномавий нарх ва лойиҳани амалга ошириш муддати) тўғрисида эълон берилгандан кейин танлов тугаган деб ҳисобланади.

36. Танлов ғолиби қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда объект қурилиши суғурта қилинишини таъминлайди.

Қуйидаги ҳолларда, агар:

танловга қатнашиш учун иккитадан кам оферта тушса;

тақдим этилган офертаaлар танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаса;

оферентлар томонидан таклиф этилган нархлар танлов предметининг «қиймат-миқдор» мезонларидан ортиқ бўлса, танлов ўтказилмаган деб ҳисобланади.

38. Танлов ғолиби шартнома тузишни рад этган ёки шартнома белгиланган муддатда унинг бажарилиш кафолати тақдим этилмаган тақдирда, ҳудудий танлов комиссияси иккинчи ўринни олган оферентни эътироф этиши ёхуд такрорий танлов ўтказилишини тайинлаши мумкин.

39. Агар танлов пайтида овозлар сони тенг бўлса (яъни қарши, рози, бетараф), ҳал қилувчи овоз танлов комиссияси раисида қолади.

### 9-§. Қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича танловлар

40. Тадбиркорлик субъектлари томонидан танлов шартларига риоя этилмаганлиги туфайли лойиҳалар муддатидан олдин бекор қилинган ҳолларда, қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича такрорий танловлар ўтказилишига йўл қўйилади.

Бунда ҳудудий танлов комиссия қарорига кўра бекор қилинган инвестиция мажбуриятлари шартномаси бўйича тугалланмаган ишлар ҳажмини аниқлаш мақсадида назорат ўлчови ўтказади.

41. Қурилиши тугалланмаган объект бўйича ўтказилган танлов якунлари бўйича ғолиб билан ишларнинг тугалланмаган қисмини бажариш юзасидан келишув тузилади.

42. Тадбиркорлик субъектлари томонидан танлов шартларига риоя этилмаганлиги туфайли лойиҳалар муддатидан олдин бекор қилинган ҳолларда, ҳосил бўлган қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича талаблар инвестиция мажбуриятлари шартномасида келтирилади.

*(Давоми 4-бетда)*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№46 (395) 2020 йил 16 июнь

*(Давоми. Боши 3-бетда)*

## 4-БОБ. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ БАЖАРИЛИШИНИНГ МОНИТОРИНГИ ВА ТАНЛОВДА ҒОЛИБ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

43. Тадбиркорлик субъекти техник-назоратчиси томонидан тақдим этиладиган ҳар ойлик ахборотни таҳлил қилиш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан мониторинг амалга оширилади.

44. Инвестиция мажбуриятлари шартномаси мажбуриятларининг бажарилиши бўйича назорат вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига юкланади.

45. Танловда ғолиб бўлган тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни амалга оширишни ўз вақтида таъминлайди:

лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тегишли ташкилотларда экспертизадан ўтказиш;

кундалик техник назоратни амалга ошириш учун мустақил мутахассис ёки ташкилот билан шартнома имзолаш;

ажратилган ер участкаси бўйича атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш аризаларини тайёрлаш;

уй-жойлар қурилиши учун танланган ҳар бир ер участкаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларининг давлат экологик экспертизаси хулосаларини олиш;

қурилиш материалларини харид қилиш;

уй-жойларни канализация тармоқларига ёки локал оқава сув тозалаш иншоотларига ва ташқи ичимлик сув тармоқларига улаш;

уй-жойларни ташқи газ ва электр тармоқларига улаш.

## 5-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

46. Танлов тартиб-қоидасидан келиб чиқадиган келишмовчиликлар ва низолар, танлов ташкилотчиси ёки танловнинг бошқа қатнашчиларининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари юзасидан шикоятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

